ДУШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 153 (10.458) / 2005 ЙИЛ 8 АВГУСТ

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

**Янгиликлар, воқеалар**

### ҚИСҚА сатрларда

● **КЕЧА** Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида Мирзо Улуғбек туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар қўмитаси, «Маънавият ва маърифат» маркази, «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлими ҳамкорликларида Маҳалла кунига бағишлаб ўтказилган тадбир «Мустақиллик — олий неъмат» деб номланди.

● **БУГУН** «Миришкор» маҳалласида Бектемир туман маданият ва спорт ишлари бўлими, «Камолот» ЁИҲ Бектемир туман бўлими ҳамда Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институти талабалари ҳамкорликларида маданий-маърифий тадбир ўтказилди.

● **«ТУРОН»** маҳалласида **ЎТГАН** куни «Камолот» ЁИҲ Юнусобод туман Кенгаши ҳамда Тошкент Давлат юридик институти талабалари ҳамкорликларида ўтказилган давра суҳбатида ёшларнинг сиёсий онгини оширишнинг аҳамияти борасида фикр алмашилди.

● **ЎТГАН** куни Бўстонлиқ туманидаги «Зангори олов» оромгоҳида ўтказилган «Нима, қачон, қаерда?» интеллектуал ўйини «Камолот» ЁИҲ Яккасарой туман Кенгаши томонидан уюштирилди.

● **ЎТГАН** куни Юнусобод туманида «Камолот» ЁИҲ туман Кенгаши ташаббуси билан иқтидорли ёшлар ўртасида ташкил этилган «Уй бекаси» курси тингловчиларининг навбатдаги машғулоти бўлиб ўтди.

● **«ЎЗБЕКИСТОН»** маҳалласида «Камолот» ЁИҲ Миробод туман Кенгаши ташаббуси билан кўчма оммавий спорт ўйинлари ўтказилди.

● **«МАЪРИФАТ»** маҳалласида бўлиб ўтган спортнинг шахмат, шашка, тўп билан югуриш, арқон тортиш, мини-футбол турлари ҳамда «Қувноқ стартлар» мусобақалари «Камолот» ЁИҲ Бектемир туман Кенгаши томонидан уюштирилди.

● **УСМОН** Носир маҳалласида «Камолот» ЁИҲ Яккасарой туман Кенгаши ташаббуси билан уюштирилган давра суҳбати ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш масаласига бағишланди.

● **«ГУЛИСТОН»** маҳалласида «Камолот» ЁИҲ Юнусобод туман Кенгаши ҳамда Тошкент Молия институти талабалари ҳамкорликларида ёшлар иштирокида ободонлаштириш ишлари ташкил этилди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

«Эски жўва» деҳқон ҳамда «Чорсу» буюм бозорларидаги бунёдкорлик ишларида «Мухлиса қиз» хусусий фирмаси бунёдкорларининг амалга ошираётган ишлари алоҳида таҳсинга лойиқ. Улар бунёд этаётган савдо расталари, дўкончалар, бозор шохобчалари харидор ва тадбиркорга қулайлик яратиш баробарида бозорлар кўркини ҳам очмоқда.



**СУРАТДА: фирма илғорлари — бригада бошлиғи Ҳамдам Матчонов ҳамда иш юритувчи Камолиддин Алимовлар қурилиш ишларининг сифатли бажарилишида муҳим ҳисса қўшмоқда.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган сурат.**

O'ZBEKISTON 14 МУСТАҚИЛЛИК • INDEPENDENCE • НЕЗАВИСИМОСТЬ

## ЭНГ УЛУҒ ВА ЭНГ АЗИЗ БАЙРАМГА ТАЙЁРГАРЛИК

Пойтахт ҳокимлигида давлат ва жамоат тузилмалари вакиллари иштирокида Мустақиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан йиғилиш бўлиб ўтди.

Мустақиллик — халқимизнинг энг улуғ ва энг азиз байрамидир. Ўтган 14 йил давомида мустақил ривожланиш йўлида мамлакатимизда улкан ютуқларга эришилди. Ва бугунги кунда биз ушбу Истиқлол неъматларидан баҳраманд бўлмоқдамиз.

Эришилган ютуқларимиз авваламбор кун сайин чирой очиб бораётган шаҳарларимиз, қишлоқларимиз, кўчаларимиз ва маҳаллаларимиз қиёфасида намоён бўлмоқда. Шу билан бирга Мустақиллик онгимизда ҳам ўз аксини топмоқда — биз буюк халқмиз, ўз келажагимизни мустақил бунёд этишга қодирмиз, ҳеч кимга ва ҳеч қачон қарам бўлмаймиз...

Мустақиллигимизнинг 14 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика комиссияси томонидан ишлаб чиқилган махсус дастурнинг ғояси қисқача талқинда шулардан иборат. Мазкур дастур ташкилий-амалий, маданий-оммавий ва маънавий-маърифий тадбирларни ўз ичига олган.

Тадбирлар ҳаётимизнинг деярли барча жабҳаларига тааллуқли бўлиб, уларни умумий «Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди» шиори остида ўтказиш кўзда тутилган. Дастурда тадбирларни жойларда кенг жамоатчиликни жалб қилган ҳолда, юксак уюшқоқлик билан ташкил этиш ғоят муҳим эканлиги таъкидлаб ўтилган.

Ташкилий-амалий тадбирлар доирасида кенг тарзда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва санитар тозалаш ишларини ўтказиш режалаштирилган. 13-14 август кунлари эса Мустақилликнинг 14 йиллиги олдидан «Менинг уйим, менинг маҳаллам" шиори остида умумхалқ ҳашари ўтказилади.

Шунингдек, «Ўзбекистон — Ватаним маним» танловининг якуний босқичи ҳамда «Ниҳол» мукофоти совриндорларини тантанали қутлаш ҳам кўзда тутилган.

31 август куни мамлакатимизда Қатағон қурбонлари хотираси куни кенг нишонланади. Ушбу санага бағишланган асосий тадбирлар Тошкентдаги «Шаҳидлар хотираси" мажмуасида ўтказилади.

Байрам кунлари хайрия тадбирларига ҳам алоҳида эътибор қаратилади, жумладан ёлғизлар, қариялар, кам таъминланган ва кўп болали оилалар, ота-онаси қарамоғисиз қолган болалар ва Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилади.

Маданий-маърифий тадбирлар доирасида «Энг улуғ, энг азиз» кўрик-танловини якунлаш ва ғолибларни тантанали тақдирлаш маросими ўтказилади. Шунингдек, шу мавзуда Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар залида Мустақиллик байрамига бағишланган барча вилоятлар рассомларининг асарлари кўргазмалари ташкил этилади. Бу йил биринчи маротаба «Истиқлол: замонамиз қаҳрамонлари» мавзуида ёш авлодни Истиқлол ғояларига садоқат, ватанпарварлик ва инсонпарварлик руҳида тарбиялашга йўналтирилган бадиий асарлар танлови ҳам ўтказилади. Ўқув юртларида кенг тарзда Зулфия номидаги ва «Ниҳол» мукофотлари совриндорлари, Президент стипендиатлари, турли республика миқёсидаги ва халқаро танловлар ғолиблари билан учрашувлар ташкил этилади.

Байрам арафасида анъанавий тарзда шаҳарлар, вилоятлар ва республика миқёсида энг яхши маҳалла оқсоқоли ва энг яхши спортчилар оиласи аниқланади.

Дастурда оммавий ахборот воситаларига алоҳида ўрин ажратилган. Телевидение, радио, матбуотда Мустақиллигимиз йилларида эришилган ютуқларга оид материаллар ўз аксини топади. Улар асосан «Бунёдкор халқим», «Мустақил Ватанимизнинг ўғлонлари», «Мустақиллик мевалари», «Истиқлол хронологияси», «Тошкент Мустақиллик йилларида» каби рукнлар остида чоп этилади.

Умуман олганда дастурнинг асосий мақсади Миллий истиқлол ғоясини, халқимизга хос эзгу анъана ва қадриятларни кенг тарғиб этиш, ёш авлодни ўз юртига садоқат руҳида тарбиялаш, миллий ўзлигини англаш, миллий ифтихор туйғусини шакллантиришга қаратилган.

Фаоллар йиғилишида мамлакатимиз Мустақиллигининг 14 йиллигига бағишланган мазкур мажмуавий дастурнинг мақсад ва вазифаларига алоҳида тўхталиб ўтилди ва уларнинг жойларда фаоллик билан ўтказилишига барча бўғиндаги раҳбарлар масъул эканлиги таъкидланди. Шу мақсадда белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича шаҳар ва туман ҳокимликлари, "Маҳалла", "Шаҳидлар хотираси", "Нуроний" жамғармалари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, оммавий ахборот воситалари, Олий Мажлис депутатлари, бошқа соҳа вакилларидан иборат ишчи гуруҳлари ташкил этилиб, алоҳида масъул шахслар ҳам белгилаб олинди.

**Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА**

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

**● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги, «Уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги, «Ипотека тўғрисидаги» ва бошқа қонун лойиҳаларини кўриб чиқишди.**

**●Чкалов номидаги «Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат акциядорлик жамияти учиш синов майдонидан «ИЛ»нинг янги авлоди бўлмиш Ил-76ТД-90ВД самолёти ҳавога илк парвозни амалга оширди.**

**● Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий Кенгашида «Истиқболимиз тимсоллари», «Миллий армия — таянчимиз, фахримиз» мавзуларида тадбир бўлиб ўтди.**

**● Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ташаббуси билан Навоий шаҳрида «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси ва Россиянинг «Эликс кабель» компаниялари ҳамкорлигида «East telekom» Ўзбекистон-Британия-Россия қўшма корхонаси бўлими ташкил этилди.**

### Жаҳонда

**● Хитой ҳукумати хорижий телекомпанияларга миллий сунъий йўлдош телевидениеси хизматларидан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни бермасликка қарор қилди. Ҳукумат миллий маданиятни сақлаш учун шундай чора қўллаганини билдирди.**

**● Буюк Британия ҳуқуқтартибот органлари томонидан опа-сингил Вешшенбет ва Молуенбет Гирмаларга нисбатан расмий айблов эълон қилинди. Улар 21 июлда Лондон марказида террорчилик ҳаракати содир этишга уринган жангарилар билан ҳамкорликда гумон қилинмоқда.**

**● Туркиянинг Ироқ билан қўшни ҳудудда жойлашган Хаккяри музофотидаги чегара постларидан бирига ҳужум уюштирилди. Натижада беш нафар ҳарбий жароҳатланди, етти нафари ҳаётдан кўз юмди.**

**● Франциянинг энг кучли футболчиси, Мадриднинг «Реал» клуби ярим ҳимоячиси Зинедин Зидан мамлакат терма жамоаси сафларига яна қайтишга қарор қилди. У 2006 йилги жаҳон чемпионатида ўз жамоасига ёрдам бериш ниятида эканлигини билдирди.**

*Мустақиллик — улуғ неъмат*

# ТАРАҚҚИЁТ САЛОҲИЯТИ

**Ҳозир шаҳарларимиз, айниқса қишлоқларимиздаги энг кўркам, замонавий бинога кўзингиз тушса, уни аксарият ҳолларда деярли адашмасдан коллеж ёки лицей дейишингиз мумкин. Таълим мажмуалари сифатидаги бу янги қурилишлар сўнгги 7-8 йил ичида, 1997 йилда республикамизда Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастур қабул қилингандан сўнг пайдо бўлди.**





Тошкентда ана шу дастурда кўзда тутилган давлат стандартлари тўлиқ ҳисобга олинган дастлабки касб-ҳунар коллежининг янги биноси мажмуаси Учтепа туманида барпо этилган эди. Ўрта махсус маълумотли қурувчи мутахассислар тайёрлашга ихтисослашган янги типдаги бу таълим масканининг кенг, ёруғ ўқув хоналари, лабораториялари, устахоналарини кўрган кишининг кўзи ҳам, дили ҳам қувнарди.

Уларнинг жиҳозланишини айтмайсизми? Физика, химия кабинетларидаги асбоб-ускуналар ўта замонавийлиги билан ҳатто илмий-тадқиқот муассасалариникидан устунлик қиларди. Компьютер ва лингафон синфлари, ёпиқ спорт зали, футбол, баскетбол, волейбол майдончалари, теннис кортлари. Дурадгорлик, пардозлаш, ғишт териш устахоналаридаги мукаммал кичик механизация воситалари. Талабалар коллежда қурувчилик касблари қатори транспорт воситаларини ҳайдашни ҳам ўрганиб олишлари учун Германия, Жанубий Корея автомобиль заводларида ишлатиладиган асбоб-ускуналар билан жиҳозланган турли русумдаги машиналар, двигателлар, бошқа қисмлари макетлари ўрнатилган алоҳида машғулот хоналари ҳам ташкил этилганди.

Очиғи, оддий ишчи касбларини эгаллашга ўргатиладиган ўқув юрти бинолари ҳам, жиҳозланиши ҳам шу даражада бўлиши мумкинлигини тасаввур этиш қийин эди. Ахир яқин-яқингача мактаб ўқувчиларини «олабўжи»га қиёс қилиб қўрқитилган СПТУлар қандай аҳволда эканлиги кўпчиликка яхши аён эди-да!

Учтепадаги қурилиш касб-ҳунар коллежи пойтахтда Миллий дастур ижроси амалий кўринишининг қалдирғочи бўлди. Сўнг ҳар йили Шайхонтоҳур туманида Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети қошидаги академик лицей, Собир Раҳимов туманида ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежи каби ўнлаб шу тоифадаги бошқа таълим муассасалари барпо этилаверди.

Ҳа, нафақат Марказий Осиёда, балки жаҳонда ҳам ўхшаши йўқ Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастурда кўзда тутилган талаблар, меъёрлар, давлат стандартлари мутлақо янги типдаги таълим муассасалари яратишни кўзда тутарди. Уларнинг биноси, ўқув хоналари ва лабораторияларининг жиҳозланиши, бўлажак мутахассисларни ҳам маънавий, ҳам жисмоний жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялаш учун шарт-шароитлар жаҳоннинг энг тараққий этган давлатлардаги нуфузли таълим муассасаларидай бирор масалада орқада қолмаслиги шарт қилиб белгиланган эди.

Чунки, давлатимиз танлаб олган ўз истиқлол ва тараққиёт йўли кенг қамровли янгиланиш ва ўзгартиришларнинг ҳал қилувчи бўғини — таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш худди шу меъёрларга амал қилишни тақозо этарди.

Аҳолисининг деярли ярми — 45 фоизи 18 ёшгача ўсмир-қизлар бўлган Ўзбекистон учун янги шароитларда собиқ марказнинг хом ашё базасидан ўзининг замонавий ишлаб чиқариши, энг янги технологияларга асосланган корхоналари, мустақил банк тизими, бошқа кўплаб янги соҳалари учун мутахассислар тайёрлаш масаласи ўта муҳим вазифа бўлганлиги тушунарлидир.

Шу боис 1992 йилдаёқ республикамизда «Таълим тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. Бу ҳеч муболағасиз тарихий ҳужжатда таълим жамият ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маданий жиҳатдан ривожланганлигини белгиловчи устувор соҳа эканлиги эътироф этилиб, давлатнинг бу борадаги сиёсатининг асосий тамойиллари, таълим тизими, уни бошқариш тартиби, бошқа муҳим вазифалар аниқ белгилаб берилди.

Илм-фан, техника тараққиёти, эркин рақобатлашувга асосланган бозор иқтисодиёти шароитларида ақлий (интеллектуал) салоҳият жамият юксалишини белгиловчи, ҳал қилувчи омилга айланди. Иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда энг юксак натижаларга эришган барча давлатлар тажрибаси буни исботлаб турибди.

«Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳам, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ҳам худди шундай — замонавий билимлар билан қуролланган, мустақил фикрловчи, янгиликка ва бунёдкорликка иштиёқманд мутахассисларни тайёрлаш мақсадига қаратилганди.

Бунга эришиш учун Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини амалга оширишнинг биринчи босқичи — 1997-2001 йилларда республикада узлуксиз таълим тизимининг янги тартиби шакллантирилди. Таълим муассасаларини давлат аттестацияси ва рўйхатдан ўтказиш тизими амалиётга жорий этилди. Узлуксиз таълимнинг барча турлари учун давлат стандартлари ишлаб чиқилди.

Миллий дастурнинг иккинчи босқичи — 2001-2005 йилларда эса узлуксиз таълим тизими барча бўғинлари сифат кўрсаткичларини ошириш энг устувор вазифа қилиб белгиланган. Бунда мажбурий ўрта ҳамда ўрта махсус касб-ҳунар таълимига тўла ўтиш таъминланмоқда. Ўқувчиларнинг қобилияти ва имкониятлари ҳисобга олинган ҳолда уларга табақалаштирилган таълим бериш йўлга қўйиляпти.

Қисқа муддатда сифат жиҳатидан тубдан янгича касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар тармоғининг яратилиши, уларнинг мукаммал жиҳозланиши Миллий дастурни амалга оширишнинг моддий негизи бўлди.

Янги типдаги таълим муассасалари педагогик жамоаларини юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш бу ишнинг янада муҳимроқ вазифаси эди. Шунинг учун бу таълим муассасаларига юқори малакали, тажрибали, ташаббускор ўқитувчиларни жалб этиш чора-тадбирлари кўрилди. Айни вақтда давлат таълим стандартларига мувофиқ принципиал жиҳатдан янги дарсликлар, ўқув қўлланмалари яратилди.

Таълим тизимини ислоҳ қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланган Ўзбекистонда мамлакат барча имкониятлари шу соҳага жалб этилди. Шуни айтиш кифояки, таълим соҳасига республика бюджети барча давлат сарф-харажатларининг 38 фоизи сарфланмоқда. Бу мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 10,6 фоизига тенг демакдир.

Бу кўлами, моҳияти, аҳамияти бўйича чинакамига мисли кўрилмаган ислоҳотлар бевосита Президентимиз ташаббуси ва раҳнамолигида амалга оширилмоқда. Буни жаҳоннинг кўпгина давлат арбоблари, мутахассислари, халқаро ташкилотлар вакиллари неча бор эътироф этишган. **«Дунёнинг бирор мамлакатида Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастурни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда,** — деб таъкидлаган эди Олий мактаб халқаро фанлар академияси президенти Валентин Шукшунов, — **мазкур муаммони ҳал қилишга янгича илмий ёндашиш, бундай кенг кўламли дастурга давлат бошлиғи раҳбарлик қилиши учрамайди».**

Таълимнинг узлуксизлиги — кадрлар тайёрлаш тизимининг асосий қисми ҳисобланади. Ҳамма соҳаларда ўта жадал ўзгариш ва янгиланишлар рўй бераётган ҳозирги шароитда кечаги билим билан — у нақадар чуқур ва мукаммал бўлмасин — узоққа бориб бўлмайди. Замонавий мутахассис умумтаълим мактаби, коллеж ёки лицей, институт ёки университетда олган билимларини муттасил бойитиб бориши шарт.

Таълим соҳасида республикамизда амалга оширилаётган ислоҳотларда бу масалага алоҳида эътибор берилмоқда. Барча соҳалар бўйича мутахассислар малакасини ошириш йўлга қўйилганлиги худди шундан далолат беради.

Узлуксиз таълим амалиётини мунтазам таҳлил қилиб бориш бу яхлит тизимда сўнгги вақтда кадрлар тайёрлашнинг асоси — умумтаълим мактаблари фаолиятида муаммолар тўпланиб қолганлигини кўрсатди. Шунинг учун Миллий дастур иккинчи босқичи вазифаларини собитқадамлик билан амалга ошириш билан бир йўла мактабларнинг айниқса моддий-техник негизини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари белгиланди.

Президентимиз ташаббуси билан ҳозирги вақтда Мактаб таълимини ривожлантиришнинг 2004-2009 йилларга мўлжалланган Давлат умуммиллий дастури ишлаб чиқилди ва амалга оширишга киришилди. Биргина 2004-2005 ўқув йили учун ушбу дастурга мувофиқ республикада давлат бюджетидан 104,4 миллиард сўм маблағ ажратилган. Шу ҳисобга ўнлаб янги мактаблар барпо этилди, мавжудлари тубдан таъмирланди. Лабораториялар, компьютер синфлари, устахоналар энг замонавий асбоб-ускуналар, жиҳозлар билан таъминланди. Бу жуда катта қамровли ишлар изчил давом эттирилади.

Мустақиллик йилларидаги таълимни ислоҳ қилиш кўламлари шу қадар улкан ва туб моҳияти бўйича аҳамияти беқиёски, амалда ўта қисқа муддат ичида соҳада юз берган янгиланиш ва ўзгаришларни тўла қамраб олиш осон эмас. Ўзбекистонда яхлит, изчил, узлуксиз таълим тизими XXI асрнинг ҳар тарафлама баркамол, чуқур билимли, ҳақиқий ватанпарвар мутахассисларини тайёрлашни йўлга қўйиш учун барча зарур шарт-шароитларни яратди. Бу Президентимиз Ислом Каримовнинг **«IX-XV асрларда маърифатли дунё бухорийлар, фарғонийлар, хоразмийлар, ибн синолар, улуғбекларни қанчалик иззат-икром қилган бўлса, XXI асрда биз халқимиз, миллатимизга нисбатан ана шундай эҳтиромни қўлга киритишимиз керак»**, деган башоратли сўзлари рўёбга чиқиши гаровидир.

Ҳозирнинг ўзида сармоя қўйиш учун энг фойдали ва самарали соҳа—таълим тизимининг дастлабки самараларини яққол ҳис этиш мумкин. Бу буюк аждодларининг ворислари бўлган талаба-ёшларимизнинг энг нуфузли халқаро олимпиадалар ғолиблари қаторидан ўрин олаётганликларида, кечаги коллеж ва лицей ўқувчилари, олий ўқув юртлари талабаларининг республика иқтисодиёти, илм-фани, маданияти, спортини ривожлантиришга қўшаётган муносиб ҳиссаларида намоён бўлмоқда.

**Эркин ЭРНАЗАРОВ**

*Оламда нима гап?*

## Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарларидан

- Air France авиакомпаниясининг Канададаги Пирсон аэропортида ҳалокатга учраган ва фақат бахтли тасодиф туфайлигина йўловчилар ҳамда экипаж аъзоларидан бирортасига ҳам зиён етмаган А-340 йўловчи самолётининг «қора қутиси» топилди. Ҳозирда самолёт «қора қутиси»даги ахборотлар батафсил ўрганиб чиқилмоқда.
- Россия ҳарбий кучлари Грузия ҳудудини тарк этишни бошлади. Батумида жойлашган ҳарбий базадан юк машиналари сафи Россияга қатнамоқда. Режага кўра яқин кунлар ичида Батумидаги оғир турдаги қуроллар ва ҳарбийлар Грузиядан олиб чиқиб кетилади.
- 7 июлда Лондон шаҳрида амалга оширилган ва 56 кишининг ҳаётдан кўз юмишига сабаб бўлган мудҳиш террорчилик ҳаракатлари қурбонлари яқинларига Буюк Британия ҳукумати 11 минг фунт стерлинг миқдорида товон пули тайинлади.
- АвтоВАЗнинг йўл синовлари бошқармасига «хетчбек» кузови ўрнатилган Lada Kalina автомобилларининг дастлабки туркуми сертификат синовларидан ўтказиш учун келиб тушди.
- Бир гуруҳ европалик археологлар қадимий Римнинг замонавий шоҳкўчасини топдилар. Эрамиздан аввалги 146 ва 120 йилларда қурилган йўлнинг узунлиги 860 километрдан ортиқроқ бўлиб, у ҳозирги Албаниянинг Адриатика денгизи соҳилидан Туркиягача давом этган. Йўлнинг кенглиги эса 9 метрдан ортиқроқ.
- Исроил ҳарбийларига мамлакатда намойишчилар томонидан тартиббузарликлар содир этилса, уларни бартараф этиш мақсадида ҳатто яқин масофада фойдаланганда ҳам инсон танасига жиддий жароҳат етказмайдиган қумли ўқлардан фойдаланишга рухсат берилди.

# Малика Саяко Ўзбекистон кўргазмаси меҳмони

**Айни кунларда Кунчиқар мамлакатининг Аичи префектурасида бўлиб ўтаётган «Экспо - 2005» халқаро кўргазмасида мамлакатимиз вакиллари муваффақиятли иштирок этмоқда. Яқинда кўргазманинг Ўзбекистон экспозициясига Япония Императори Ҳазрати олиялари малика Саяко ташриф буюрди. Юксак мартабали меҳмонни «Экспо — 2005» халқаро кўргазмаси уюшмасининг бош котиби Тошио Накамура, Император саройи мутасаддилари, ОАВ вакиллари ҳамроҳлигида Ўзбекистоннинг Япониядаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси М.Очилов кутиб олди.**

«Табиат ўгитлари» шиори остида ўтаётган ушбу нуфузли халқаро тадбирнинг дастлабки кунлариданоқ Ўзбекистон экспозицияси кўпчиликнинг диққатини ўзига тортган эди. Чунки у халқимизнинг бой тарихи, маданияти, урф-одатию бебаҳо қадриятлари ҳамда мамлакатимизнинг мустақил ривожланиш йиллари давомида қўлга киритган улкан муваффақиятларини ўзида яққол мужассам этган. Шу боис «Экспо — 2005» талабларига тўла жавоб берган мамлакатимиз экспозицияси 120 дан зиёд мамлакат вакиллари иштирок этаётган ушбу халқаро анжуманнинг бронза медалини қўлга киритди.

Япония Императори Ҳазрати олиялари малика Саяко кўргазмага ташрифи чоғида Марказий Осиё мамлакатлари орасида Ўзбекистон бўлмасига алоҳида эътибор қаратгани эса бунинг мантиқий давоми бўлди.

Ўзбекистон павильони ичида қад ростлаган Бухородаги Минораи Калон, Хивадаги Кўш дарвоза ёдгорликларининг нусхалари, ўзбек миллий либослари, тақинчоқ ва безаклар, наққошлик, ёғоч ҳамда ганч ўймакорлиги намуналари малика Ҳазрати олияларида катта таассурот қолдирди.

**«Жаҳон» АА**

*Ҳамкорлик*

## ЎЗБЕК-ГЕРМАН ҚЎШМА БЎЛИМИ

**Тошкент ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежида телекоммуникацион ахборот технологияси ҳамда иқтисодий билимлар йўналишларида машғулотлар олиб борилмоқда. «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» акциядорлик компанияси эса бўлажак ёш мутахассислар амалий кўникмаларини ҳосил қилувчи корхонага айланган.**

Коллежда ахборот-коммуникацион технологиялар бўйича ўзбек-герман қўшма бўлими ҳам очилган. Ҳар ўқув йилида унга 150 нафар ўғил-қиз ўқишга қабул қилинади. Пухта билим ва амалий кўникма ҳосил қилиб, уни битирган ёшлар ўзбек тилидаги диплом ҳамда немисча сертификат эгалари бўлишади.

Янги ўқув йилида бўлимда 150 нафар ўқувчи таҳсил кўради.

**Акбар АЛИЕВ**

# ТАБИАТГА МЕҲР

**Айни кунларда ўқувчи-ёшлар, жажжи болажонлар ёзги таътил кунларини соя-салқин тоғлар бағрида, хушманзара боғлару сўлим оромгоҳларда мазза қилиб, дам олиб ўтказмоқдалар. Кимдир китоб мутолаа қилишни хуш кўрса, яна кимдир сайру-саёҳат ишқибози. Лекин табиат қўйнида бўлишни, ноёб, экзотик, ёввойи ҳайвонларни яқиндан кўриб завқ олишни истаганлар учун бизда қандай имкониятлар бор? Биз ана шундай саволлар куршовида Тошкент ҳайвонот боғида бўлдик.**

Бир қарашда жим-житлик ҳукм сураётгандек туюлган (ёзнинг жазирама кунлари бўлгани учун) ушбу маконда болажонларнинг яхши дам олишлари, ўзларини бир дам



бўлсада йиртқич ҳайвонларни бағрига олган "ўрмон"да тасаввур этишлари учун барча шароитлар яратилган.

— Ҳайвонот боғимизда бугунги кунда 340 га яқин каттакичик, ноёб, экзотик ҳайвонлар парвариш қилинади,— дейди ҳайвонот боғининг илмий ишлар бўйича бошлиқ ўринбосари, биология фанлари номзоди Азиз Ирисметов.— Гап шундаки жониворларнинг ўзини эркин ҳис қилиши, тутқинликда ҳам кўпайиши учун шарт- шароит, озиқ-овқат бўйича қатъий ва тўғри меъёр бўлиши керак. Маймун, йўлбарс, арслон, ёввойи йиртқич қушлардан: қумай, болтаютар, қора тасқара, кандор ва айниқса, уккининг тутқинликда кўпайиши ноёб ҳодиса. Бизда олиб борилаётган илмий асосдаги ёндашув, ишнинг яхши ташкил этилгани бу борадаги барча муаммоларни бартараф этган деб ўйлайман. Биз Европа ва Осиё ҳайвонот боғлари ассоциацияси аъзосимиз. Тутқунликда ҳайвонларни кўпайтириш бўйича олиб борилган кузатишларга кўра Тошкент ҳайвонот боғи юқори ўринлардан бирини эгаллаб келмоқда.

Яқинда Малайзиядан иккита филни олиб келган бўлсак режамизда жирафа, бегемот каби экзотик ҳайвонларни олиб келиш, келгусида ҳайвонот боғи қошида табиат ва ҳайвонот дунёси билан таништирувчи бадиий адабиётлардан ташкил топган кутубхона ва видеотека очиш бор.

Маълумки, ҳайвонот боғимизга каттаю кичик эстетик завқ олишга келади. Ҳамшаҳарларимизга чиройли, қулай, озода, шинам шароит яратиш, хавфсизликни таъминлаш бизнинг асосий вазифамиз. Бу борада шаҳар халқ таълими бош бошқармаси билан ҳамкорликда турли тадбирларни ўтказиб келмоқдамиз. Жумладан, мактаб ўқувчилари учун «Очиқ дарслар» мунтазам қизғин баҳс-мунозара, савол-жавоблар билан ниҳоятда жонли ўтмоқда. Бундан ташқари «Ёш табиатшунос» тўгараги фаолиятини йўлга қўйганмиз. Ўқувчилар бу ерда расм чизишади, табиат, ҳайвонот дунёси билан яқиндан танишиш, уни ўрганиш имкониятига эга бўлишади. Мақсадимиз фарзандларимизда ёшликдан табиатга, ҳайвонот оламига меҳр-муҳаббат уйғотиш, уларни асраб-авайлашга ўргатишдир.

Дарҳақиқат инсонийлик, меҳру вафо қуршовида бўлган кўнгиллар ёмонликка ҳеч қачон юз бурмайди, Ватанига, халқига хиёнат қилмайди. Ёш авлодга берилаётган ҳар бир сабоқ эса шу мақсадга хизмат қилиши даркор.

Азиз ҳамшаҳарлар, Тошкент ҳайвонот боғига фарзандларингиз билан борган кунингизни эслай оласизми? У ердаги сўнгги янгиликлар, ўзгаришлар, ноёб ҳайвонларни бир бориб кўринг, ўйлаймизки, у сизга, жажжи кичкинтойларга албатта манзур бўлади. Эзгулик сари ташланган ҳар бир қадам эртамиз учун хизмат қилишини унутмайлик.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**

**СУРАТЛАРДА: Тошкент ҳайвонот боғидаги манзаралардан лавҳалар.**



*Мулоҳаза, мунозара*

# КЎНГИЛДАГИ ГАПЛАР

## БЕКАТЛАРДА ТАРТИБ ЎРНАТИЛАДИМИ?

Ҳурматли ҳамшаҳар, бекатларда, айниқса шаҳримиз бозорлари бекатларида енгил автомобилларнинг ноқонуний равишда тўхтаб турганлигига гувоҳ бўлганмисиз? Албатта бу саволга «ҳа», деб жавоб беришингиз табиий.

Ҳар сафар хизматдан уйга қайтаётганимда «Олой» ҳамда «Юнусобод» бозорларидан ўтишимга тўғри келади. Лекин ҳар гал ноқулай манзаранинг гувоҳи бўламану, "бекатлардаги тартибсизликлар қачон барҳам топади?" дея ўзимга ўзим савол бераман. Тўғри, айримлар менга, «бекат бўлгандан кейин гавжум бўлади-да», дея эътироз билдириши мумкин. Ҳақиқатан бекатлар, айниқса, бозорлар бекатлари доимо одамлар билан гавжум бўлади. Чунки, «отанг бозор, онанг бозор» деганларидек, ҳар бир киши хизматдан, ўқишдан қайтаётиб уйдагиларни хурсанд қилиш ниятида бозорда тўхтаб ўтади, рўзғорга ул-бул харид қилади. Бу табиий ҳол. Бироқ, гап бошқа ёқда.

Ҳар сафар «Юнусобод» деҳқон бозори бекатига яқинлашганимизда каминанинг юраги бир ҳаприқади. Нега дейсизми? Унда эшитинг. Автобус бозор бекатига яқинлашганида кўпинча белгиланган жойда тўхтай олмайди. Сабаби, автобус тўхтайдиган ҳудуд енгил автомобиллар билан тўлиб ётган бўлади. Ахир йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларига кўра бу асло мумкин эмас-ку. Шахсий автомобиллар учун ҳар бир бозор ҳудудида махсус жойлар барпо этилган. Қизиғи, шахсий машина эгалари бу қоидага амал қилмай, автомобилларини қулфлаб бозорга кириб кетишади. Автобус ҳайдовчиси эса бир амаллаб ўзига қулай жой излаб ўша ерда тўхтайди. Ана энди кўринг томошани. Бекатда автобус кутиб турган йўловчилар бир-бирини туртиб-суртиб ўз транспорти томон чопишади. Деярли ҳар куни шу манзара такрорланаверади. Қизиғи шундаки, бу ҳолат на бозор мутасаддиларини, на йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимларини ташвишга солади. Хулоса қиладиган бўлсак, бозорлар бекатлари қачон тартибга тушади?

**Дониёр АҲМАДЖОНОВ**

## БУ ИМКОНИЯТДАН ФОЙДАЛАНАЙЛИК

Айни ёзнинг жазирама кунларида ҳар биримиз чанқовбосди ичимликлар ичишга ўзимизда эҳтиёж сезамиз. Бу табиий албатта.

Ҳозирда шаҳримизнинг қаерига борманг, савдо шохобчаларида чанқовбосди ичимликларни учратасиз. Бу ичимликларнинг тури шу қадар кўпки, бундан қувонасиз, баъзида қайси ичимликни сотиб олишни ўйлаб ҳам қоласиз. Дарвоқе, бу маҳсулотларнинг аксарияти елим идишларга қадоқланган. Бу ҳам сотувчига, ҳам олувчига қулай. Бироқ, кўпгина ҳолларда бозорларда, кўчаларда ёки маҳалла чойхоналарию овқатланиш шохобчаларида ичимлик идишларни ётганлигига ёки болажонлар бу идишларни ўйнаб юрганлигига гувоҳ бўламиз. Лекин, ушбу елим идишларни ҳам қабул қилиб оладиган ёки бу идишларни қайта ишлаб бошқа хил маҳсулот чиқарадиганлар бўлганида эди, иқтисодиётимиз ривожига янада фойда бўларди. Ахир ривожланган мамлакатларда чиқинди маҳсулотларни қайта тайёрлайдиган корхоналар борлигини ҳамма биладику. Зора келгусида ўринли истакларимиз амалга ошса, деган умид билан

**Музаффар САРДОРОВ**

## ЛОҚАЙДЛИК ҚАЧОНГАЧА?

Истиқлолимизнинг 14 йиллик байрами эшик қоқмоқда. Энг азиз, энг қутлуғ айёмни муносиб кутиб олиш мақсадида ҳамшаҳарларимиз шаҳримиз кўчаларию боғларини тоза, озода асрашга интилмоқдалар, ободонлаштирувчилар томонидан қаерга борманг пойтахтимизни янада гўзал масканга айлантириш мақсадида ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Бунёдкорларимиз эса «Тўйга тўёна билан» деганларидек бунёдкорлик ишларини авж олдирмоқдалар. Аммо...

Ҳамма гап ана шу «аммо»да. Шаҳар кўчаларини, бозорларни айлансангиз, айрим ҳолларда оёғингиз остида турли хил чиқиндилар, айтайлик кераксиз қоғозлар, писта пўчоқлари, сигарет қолдиқлари ётганлигига кўзингиз тушади албатта. Айниқса, бозорларда юрсангиз ерда ётган айқаш-уйқаш қовун, тарвуз пўчоқларини кўрганда дилингиз хира бўлиши аниқ. «Албатта, бозор бўлгандан кейин ерда ҳар хил чиқиндию пўчоқлар бўлади-да» дейишингиз мумкин. Бироқ, ёзда кун иссиқ келиши муносабати билан ҳар хил юқумли касалликлар кўпайишини назарда тутганда ён атрофмуҳитни тоза, озода сақлаш — экологик барқарорликни асраш эканлиги кундек равшан бўлади. Демак, шаҳримиз кўчалари, хиёбонларини тоза сақлаш, экологияни асраш ўз қўлимизда. Фақат бу борада лоқайдлик хасталигидан қутулсак айни муддао бўлади.

**Саъдулла СОАТОВ**

*Спорт*

## СОВРИНДОРЛАР САФИДАН ЖОЙ ОЛИШДИ

**Мустақиллик шарофати туфайли юртимизда юнон-рум кураши ривожига ҳам катта эътибор бериб келинмоқда. Буни халқаро мусобақаларда муваффақият қозониб, юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётган ўзбекистонлик юнон-рум кураши усталарининг ғалабалари ҳам яққол исботлаб турибди.**

Куни кеча Японияда 1988-1989 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида юнон-рум кураши бўйича ташкил этилган Осиё чемпионати якунига етди.

Шуниси қувонарлики, қитъамизнинг 20 дан ортиқ мамлакатлари спортчилари иштирок этган ушбу чемпионат ҳамюртларимизга омад келтирди. Полвонларимиздан Дониёр Абдуллаев, Артур Бердимуродов, Нурбек Ҳошимбековлар ўз вазн тоифаларида кумуш медалларни, Шерзод Ургучев ва Элдор Ҳафизовлар эса бронза медалларни қўлга киритишди.

## «ПАХТАКОР»ДА ЯНГИ МУРАББИЙЛАР

**«Пахтакор» жамоаси бош мураббийси Тачмурод Агамуродовнинг Самаранинг «Крылья Советов» жамоасига ишга ўтганлиги, ундан ташқари Бахтиёр Ашурматов ҳам Ярославлнинг «Шинник» клуби машғулотларида иштирок этаётганлиги ҳақидаги хабарлар миш-миш эмас, балки рост бўлиб чиқди.**

«Пахтакор» клубида журналистлар учун уюштирилган матбуот анжуманида бу ҳақда маълум қилинди. Дарвоқе, эндиликда мамлакатимиз бош жамоасини иқтидорли мураббий Равшан Ҳайдаров бошқаради. Шунингдек, Агамуродовга ёрдамчи бўлиб ишлаган Игорь Хомухава ва Вячеслав Головешкинлар ҳам «Пахтакор»ни тарк этганлиги сабабли, уларнинг ўрнини собиқ «пахтакор»чи Илҳом Шарипов ҳамда австралиялик Марко Йеличич эгаллашади.

**(Ўз мухбиримиз)**





*Ёз — ўтмокда соз*

## ҚИЗИҚАРЛИ МАШҒУЛОТЛАР

**Ҳар йили мактабларда ўқишлар тугаши билан "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати аъзолари олдида навбатдаги талай вазифалар пайдо бўлади. Масалан, болаларнинг ёзги таътилларини қандай қилиб мазмунли ўтказиш мумкин? Албатта, бу борада бир неча йиллик тажрибалар бор. Аммо йилнинг йилдан фарқи бўлганидек, ҳаракат томонидан ўтказиладиган тадбирлар ҳам янги ва мазмунли бўлиши лозим.**

Масаланинг шу томонларини ҳисобга олган "Камолот" ЁИҲ Шайхонтоҳур туман бўлими Кенгаши, туман халқ таълими, ички ишлар бошқармаси ва бошқа бир қатор ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда "Ёзни "Камолот" билан!» лойиҳаси ишлаб чиқилди. Лойиҳада ёшларни ободонлаштириш ишларига жалб қилиш мақсадида "Гўзал ва обод шаҳрим", иш билан таъминлашга ёрдам кўрсатиш мақсадида "Ишлаб топ", шунингдек ёшларга тил ўргатиш, компьютер сабоқлари ва уй бекаси курслари ҳамда оммавий спорт турлари билан шуғулланишлари учун "кўчма спорт ўйинлари"ни ўтказиш ва шу тадбирлар пайтида иштирокчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш каби барча зарурий масалалар киритилди.

Айниқса, лойиҳада туман ички ишлар бўлимида ҳисобда турувчи ва кам таъминланган оилалар фарзандларига муҳим эътибор қаратилган. Шу туфайли ҳам болалар учун туман ҳудудида жойлашган 98-мактаб-интернат қошида 3 мавсумдан иборат ҳарбий-спорт оромгоҳи ўз фаолиятини ўтказди. Оромгоҳда 40 нафардан ортиқ болажонлар дам олдилар. Ёшлар билан интернатнинг тажрибали педагог-тарбиячилари, туман ички ишлар бошқармаси, туман мудофаа бўлими ходимлари ва "Камолот" ЁИҲ туман Кенгаши етакчилари томонидан ишлаб чиқилган ҳар кунлик дастур асосида қизиқарли машғулотлар ўтказилди. Машғулотларда болаларга қонунларни яхши билишлари учун ҳуқуқий, ҳарбий бурчларини яхши тушунишлари учун ҳарбий машғулотлар ҳамда ота-онаси ва Ватани олдидаги юксак бурч ва масъулиятларини тўғри ҳис қилишлари учун маърифий- маънавий тушунчалар берилди.

—Бир сўз билан айтганда ёшларнинг ёзги таътилни мазмунли ва мароқли ўтказишлари учун барча шароитлар яратиб берилди, — дейди туман "Маҳалла умидлари" маркази раиси Шаҳноза Умархўжаева.

**Азиза МУҲАМЕДОВА,**
**Дилфуза ЖАЛОЛОВА**

**СУРАТЛАРДА: 98-мактаб-интернат қошидаги ҳарбий-спорт оромгоҳи ҳаётидан лавҳалар.**



*Билиб қўйган яхши*

## ОФТОБ УРИШИДАН САҚЛАНИНГ

Ҳозир ёзнинг айни жазирама палласи. Айни кунларда болалар ҳам, катталар ҳам сув ҳавзаларида чўмилиб, қуёшда тобланишмоқда. Ҳа, ёзнинг гашти ҳам шунда-да. Лекин қуёшда тобланишнинг ҳам ўз меъёри бор албатта.

Қуёшда бироз тобланиш инсон соғлиғига яхши таъсир кўрсатиб, меланин пигментининг кўпайишига олиб келади. Қуёшда тобланиш вақти соат 11.00 дан 16.00 гача бўлиши керак. Бу вақтда тобланиш сурункали касалликларнинг, айниқса сил, аёллар жинсий аъзолари касалликларини қўзғатади ва терини тезроқ қорайишига ҳамда тери ракининг келиб чиқишига сабаб бўлиши ҳам мумкин. Бундай ҳолатлар озон қавати юпқалашган ҳудудларда кўпроқ кузатилади.

Қуёшда тобланиб, тери куйганда қуйидаги амалларни бажариш зарур: зарарланган жойга қатиқ суртиш, сабзини қирғичнинг майда тешикларидан ўтказиб ( бир ош қошиқ) тухумнинг оқи билан аралаштириб, зарарланган тери устига 20 дақиқа кунига 1-2 марта суртилади, юз терисининг кучли куйишида укроп қайнатмасидан компресс қўйиш фойдали. Бунинг учун 2 пиёла сувга 2 ош қошиқ тўғралган укроп солиб 5 дақиқа қайнатилади. Совутилиб, докани бир неча қават буклаб қайнатмага бўктирилади ва юзга қўйилади. Унинг устидан сочиқ қўйилади. Компрессни 20 дақиқа ушлаш лозим. Кейин юзни совуқ сувда чайиш керак.

Бурун қуёш нурида қизарган бўлса, крахмалдан озгина сепиб қўйиш кифоя.

**Муқаддас СОДИҚОВА**

*Мунажжим башорати*

## ҲАММАСИ — ЯХШИЛИККА

**9 АВГУСТ, СЕШАНБА**

**Юлдузлар ҳолати бугун одамларга хайрихоҳ — ҳар қандай ишингиз, шахсий ҳаётингизнинг изга тушишига хизмат қилади.**

Тафсилотларга келадиган бўлсак, бугун ҳар бир одам ўз овқатланишига эътибор қилиши керак. Бунда таомдан воз кечиш эмас, астрол таомни мустаҳкамлиги, ундан оқилона фойдаланиш назарда тутилади. Бугунги кунни рамзий маънода истеъмол қилинган таомларни астрол — маънавий озуқага айлантирувчилар куни дейиш мумкин.

Мунажжимларимиз мияда ёмон хаёллар-ни ҳайдашда бугунги кундан фойдаланишни маслаҳат беришади. Уларнинг айтишларича бугун кераксиз алоқалардан сохта дўстлардан, кўр-кўрона эътиқоддан халос бўлиш керак. Яхши билан ёмонни фарқлаб, ҳамма нарсани ўз ақлу идрокингиз билан ҳал этишингиз талаб этилади. Оилавий ва шерикчилик муносабатлари, сафарлар, савдо-сотиқ, уруғ сепиш, ўсимликларни кўчириб ўтқазиш учун ҳам бугунги кун қулай ҳисобланади. Сартарошхона, гўзаллик салонига бориш, соч олдириш, қисқа муддатли ёки тезда аҳамиятини йўқотадиган ишлар билан шуғулланиш самарали бўлади. Олов ва темир билан боғлиқ барча ишлар муваффақият келтирмайди.

Бугун анҳор ва дарёларда чўмилишда ва сув юзасидаги саёҳатларда анчагина ҳушёрлик талаб қилинади. Шунингдек, спиртли ичимликлар, суюқ дорилардан заҳарланишдан эҳтиёт бўлинг.

Бошқа одамлар йўқотиб қўйган (пулми, буюмми) нарсаларни бугун олиб бўлмайди — ўзгалар юкини зиммангизга олган бўласиз. Мабодо шу куни сотиб олган буюмингиз йиртилса, синса ёки йўқолса — шу ой мобайнида ҳеч нарса харид қилманг. Калитнинг синиши, шунингдек, эшикнинг тасодифан ёпилиб, қулфланиб қолиши энг нохуш аломат ҳисобланади.

Қуёш кўтарилгандан сўнг кўрилган ва давомли тушлар башоратли бўлади.

Овқатдан ўзингизни чекламанг, зеро, бугун еган таомларингиз танада тўла сингиб, уни қувватлантиради. Дўконга бориб, кўнглингиз тусаган нарсани сотиб олишингиз мумкин.

Кийим-кечаклар масаласида сариқ, кўк ва ҳаво ранг тусли кийимларни кийиш омадли бўлади. Қизил ва сиёҳранг либослар бугунги кун руҳига мос келмайди.

**БУГУН:**

— қалб мувозанатини тиклайдиган ишлар билан шуғулланиш;

— ташқи кўринишингиз ва хонадонингиз файзи ҳақида қайғуриш;

— қариндош-уруғлар ва қўшнилар билан самимий алоқаларни йўлга қўйиш;

— қалбингиз амрига қулоқ тутиш;

— суйган кишиларингизга кўпроқ эътибор бериб, ўз ҳиссиётларингиздан уларни хабардор қилиб бориш;

— бошлаб қўйган ишларни давом эттириш тавсия қилинади.

Йўқотган нарсангизни қайтаришга уринманг. Хизматни юқорилашга ва ортиқча ташаббус кўрсатишга ошиқманг. Ўз куч ва имкониятларингизни ортиқча баҳолаб юборманг.

Тошкент шаҳар, Учтепа тумани ҳокимлиги томонидан 2004 йил Саидов Хайрулло Ходжиакбарович номига чакана савдони амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган ЖШ № 011861 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 2496 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-709. 1 2 3 4 6